

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ПРОКТОСЕДИЛ
PROCTOSEDYL

Препаратнинг савдо номи: Проктоседил® (Proctosedyl)

Дори шакли: маҳаллий қўллаш учун суртма

Таркиби:

1 грамм суртма куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

гидрокортизон ацетати	- 5,58 мг;
фрамицетин сульфати	- 10,00 мг;
гепарин натрий	- 100 ХБ;
эскулозид	- 10,00 мг;
бензокаин (этиламинобензоат)	- 10,00 мг;
бутамбен (бутиламинобензоат)	- 10,00 мг;

ёрдамчи моддалар: холестерин, суюқ парафин (E905c), оқ юмшоқ парафин (E905c), полисорбат 80, (E433), пропиленгликоль (E1520), макрогол (полиэтиленгликоль) 400 (E1521), макрогол (полиэтиленгликоль) 4000 (E1521), макрогол (полиэтиленгликоль) 1500 (E1521).

Таърифи: деярли оқ (яшил-сарғиш тусли) ёғли, бир хил, гомоген масса.

Фармакотерапевтик гуруҳи: колопроктологияда қўлланадиган восита (геморройга қарши восита)

АТХ коди: C05AX03

Фармакологик хусусиятлари

Геморрой ва аноректал соҳанинг бошқа касалликларини даволаш учун мажмуавий препарат.

Гидрокортизон-глюкокортикоид, яллиғланишга қарши восита ҳисобланади. Қизариш, шиш, оғриқ ва шу каби яллиғланишнинг турли белгилари ва симптомларини бартараф этади.

Гепариннинг натрий тузи – ангиокоагулянт восита ҳисобланади, геморройнинг тромботик асоратларини бартараф этади.

Фрамицетин сульфати – маҳаллий қўллаш учун кенг таъсир доирасига эга антибиотикдир. Бир қатор граммул ва грамманфий микроорганизмларга нисбатан бактерицид-фаолликка эга.

Эскулозид Р витаминига турдошдир, капиллярларнинг юқори мўртлигини камайтиради.

Этиламинобензоат ва бутиламинобензоат маҳаллий оғриқ қолдирувчи ва қичишишга қарши таъсирга эга, анал сфинктернинг спазмларини камайтиради.

Препаратнинг самараси қўлланганидан кейин бир неча минут ўтгач намоён бўлади.

Қўлланилиши

Ички ва ташқи геморрой, қайтарилишини олдини олиш; перианал экзема, проктит, орқа тешик йўлининг ёрилиши; геморройи бўлган беморларни операциядан олдин ва кейин даволаш, туғруқдан кейинги геморрой.

Қўллаш усули ва дозалари

Суртманинг озгина миқдори қичишиш ва оғриқли соҳага эрталаб ва кечқурун, шунингдек, ҳар бир ич келишдан кейин суртилади.

Тўғри ичакка янада чуқурроқ киритилиши учун суртмали тубикка аппликатор.

кийдирилади ва у тўғри ичакка етарлича чуқур киритилганига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг тубикнинг пастки четини эҳтиёткорлик билан босган ҳолда аппликатор аста-секин чиқариб олинади.

Суртма ректал капсулалар билан бирга қўлланиши ҳам мумкин.

Проктоседил® қисқа муддат (кўпи билан 7 кун) давомида қўлланилади.

Ножўя таъсирлари

Тўғри ичак соҳасида дискомфорт хисси ва препарат компонентларига юқори сезувчанликнинг бошқа реакциялари юзага келиши мумкин.

Ачишиш, шиллиқ қаватни қуруши, иккиламчи инфекцияни қўшилиши кузатилиши мумкин.

Проктоседил® катта дозаларда ва/ёки узоқ вақт давомида қўлланганида гидрокортизон билан боғлиқ тизимли ножўя таъсирлар юзага келиши хавфи ошади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

Препаратни аноректал соҳанинг туберкулезли, вирусли ва замбуруғли шикастланишида қўллаш мумкин эмас.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида препаратни қўллаш мумкин эмас.

Эмизикли ёшдаги болаларда препаратни қўллаш мумкин эмас.

Артериал гипертензияси, юрак етишмовчилиги бўлган беморларда эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

Махсус кўрсатмалар

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Чиқарилиш шакли

Маҳаллий қўллаш учун суртма.

10 г дан алюминий тубада. Ҳар бир туба қўллаш бўйича йўриқномаси ва пластик учлик (каниюля-дозатор) билан бирга картон кутида.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Шифокор рецептисиз.

Ишлаб чиқарувчи

Санофи Индия Лимитед, Ҳиндистон

Sanofi House, CTS No- 117 –B,L&T Business Park,Saki Vihar Road,Powai, Mumbai- 400072

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дори воситасининг сифатига тегишли шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи

«Санофи-Авентис Груп» компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 24,

Тел.: (998 71) 281 46 28/29

Факс: (998 71) 281 44 81

www.sanofi.uz